



## Номоддий Маданий Мерос Тизимида Болалар Ўйинлари Ва Тарбиявий Аҳамияти

*Салимжон Валиевич Йўлдошев, Ph.D*

*Ўзбекистон ФарДУ*

*Хушидбек Исмоилович Хожалиев*

*Ўзбекистон ФарДУ магистрант*

**Аннотация:** Мазкур мақолада номоддий маданий мерос тизимида болалар ўйинларининг турлари, тарихи, таълимий-тарбиявий асосларига эътибор қаратилган. Болалар ўйинларининг тарбиявий аҳамияти педагогик таҳлил асосида ёритилган.

**Таянч сўзлар:** Номоддий, маданий мерос, соғлом турмуш тарзи, ўйин, мусобақа, кучли, чакқон, серҳаракат, зийрак, топқир, ўзаро ҳамкор бўлиш, ақлий, ахлоқий меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбия, лаппак, топишмоқ айтиш, учди, саломлашиш ўйини, жуфтми – тоқ, ким айтди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадрятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан ва техника, технологияларнинг ютуқлари асосида шахснинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборат. Чунки, ижтимоий иқтисодий ислохотлар муваффақияти, жамиятнинг ахлоқий ва маънавий такомилли кўп жиҳатдан шахснинг маънавий тарбиясига боғлиқ. Дарҳақиқат сўнгги йилларда кескин ўзгарган ҳаёт шароитлари ва таълим тизими, унинг мақсади, мазмуни, турлари ўртасидаги ўзгаришлар ёш авлоднинг маънавий тарбиясига янгича қараш, уни бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, баҳолаш ва унда халқимизнинг бой маданий меросидан мақсадли фойдаланишни талаб этмоқда.

Ўзбек халқининг номоддий маданий мероси негизида халқ ўйинлари тарихий, этнографик, филологик, фалсафий, педагогик нуқтаи-назардан ўрганган. Шу билан биргаликда халқ ўйинлари ҳақидаги маълумотлар тарихий манбалар, археологик ва этнографик материаллар, архив ҳужжатлари ҳамда кўплаб илмий адабиётлар, мақолалар, ҳисоботларда акс этган.

Маълумки, соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, у унумли меҳнат қилиш, фаол дам олиш, спорт билан доимий шуғулланиш, организмни чиниқтириш, шахсий касбий ва психогигиенага риоя қилиш, тўғри овқатланиш, зарурли одатлардан ўзини тийиш, ҳар йили шифокор кўригидан ўтиб туриш ва соғлом оилани шакллантиришда ўз ифодасини топади. Шунингдек соғлом турмуш тарзи бу шахснинг соғлом оилани шакллантириш ва соғлом фарзанд кўриш билан боғлиқ бўлган кўникмаларида ҳам ўз ифодасини топади.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан кенг фойдаланиб келинаётган бир пайтда оналар хасталиклари, болалар ўлими, заиф, ногирон болаларнинг туғилиши миқдорининг ортиб бораётганлиги, оналар ва болалар саломатлигининг ёмонлашуви каби нохушликларнинг ҳам кузатилаётганлиги бевосита оила масалаларига, оналар ва болалар саломатлигига, соғлом оналардан соғлом фарзандларнинг туғилиши масаласига алоҳида эътибор беришни, ёшларни, ҳали оила қуриб улгурмасданок уларни оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш билан бир қаторда уларда оилада фарзандларнинг дунёга келиши ва шу

билан боғлиқ масалаларга оид илмий асосланган билимларини ўз вақтида ва юқори савияда беришни тақозо этади.

Саломатлик, соғлом турмуш тарзи – жисмоний, яъни генетик, биокимёвий, метаболик, морфологик, функционал, рухий, яъни ҳиссий, ақлий, шахсий, ижтимоий-маънавий ёки ахлоқий омилларга боғлигини исботланган.

Соғлом турмуш тарзи – инсониятнинг пайдо бўлиши билан ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолган маънавий, жисмоний, рухий, ижтимоий саломатлик ҳақидаги миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур билган ҳолда уларга онгли равишда амал қилиш, режали, мақсадли соғлом ҳаёт кечириш қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда уларни кундалик ҳаётий эҳтиёжга айлантириш тафаккури ва унинг амалиёти демакдир.

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши учун ижтимоий муҳитнинг соғломлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамиятнинг ҳар бир аъзоси соғлом турмуш кечирган тақдирдагина ижтимоий муҳит соғломлашади.

Соғлом ҳаёт кечириш инсониятнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ масалалар узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди ва унинг илмий асослари яратилди, шахс соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан турли Концепсиялар ва қарашлар юзага келди. Бунда Гиппократ давридан то ибн Синогача, Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари, Ўрта аср файласуфлари, европа ва рус олимларининг хизматлари катта. Уларнинг илмий назариялари даврлар ўтиши билан тўлдирилиб, бойитиб борилди.

Шахснинг соғлом турмуш тарзи унинг маданиятлилик даражасини белгилаб беради. Соғлом турмуш тарзи кенг қамровли тушунча бўлиб, шахс маънавий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Шахс соғлом турмуш тарзининг шаклланишига объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади.

Кейинги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотларда шахс соғлом турмуш тарзига таъсир этувчи омиллар ва воситалар аниқланди, соғлом турмуш тарзи масалалари нафақат тарихчилар, файласуфлар, сотсиологлар, тиббиёт соҳаси олимлари томонидан ўрганилди, балки педагогика-психология фанининг ҳам долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Болалар ўйинларида асосан маҳаллий аҳолининг касб-хунари, хўжалик машғулоти ўз ифодасини топган. Шунинг учун болаларнинг ўйинчоғларида, уй-рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалик асбоблари, ов қуроллари, идиш-товоқлар, аравача, белкурак, кетмон ва болта кабилар намоён бўлади.

Айрим ўйинлар асосан қизлар (меҳмон-меҳмон, бола-бола, тўптоли, лаппак), баъзилари эса ўғил болаларга (улоқ кураш, чакан, пар, парол, эшак минди ва хоказо) хос. Қиз ва ўғил болалар аралаш иштирок этишлари мумкин бўлган ўйинлар ҳам мавжуд[1].

Болалар ўйинлари қайси шакл, мавзу, йўналишга эга бўлмасин, лой тўпроқ биланми, ёғочу-калтакми, ипу-арқон биланми, қайсиси бўлса ҳам болани турмуш икир-чикирлари, уй-рўзғор ва хўжалик ишлари, умуман ҳаётга тайёрлашда ўзига хос ҳунар мактаби ролини ўтаган.

Халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятлари сирасига кирган халқ ўйинлари узоқ ўтмишга бориб тақалади, чуқур ва мустаҳкам тарихий илдизларга эга. Аждодлардан авлодларга ўзбек давлатчилигининг 3-3.5 минг йиллик тарихи давомида этиб келган халқ ўйинларини ўрганиш уларни оммавийлаштириш этнотарихий тадқиқотлар тизимида долзарб, давр талаб мавзу ҳисобланади.

Халқ ўйинларининг шаклланиши, сайқалланиб бориши аҳолининг хўжалик ва маиший турмуши билан узвий боғлиқ бўлиб субминтақавий, геохудудий характерга эга. Миллий қадрият даражасига кўтарилиши учун халқ ўйинлари узоқ асрлик синов ва тажрибадан ўтган. Айрим ўйинлар пайдо бўлган илк давридаги хусусиятларини сақлаб қолган бўлса, бир қаторлари модернизатсиялашган.

Халқ ўйинлари нафақат миллий қадрият шунингдек, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда ушбу юртнинг ҳақиқий эгаси бўлиш туйғусини улар онгида мустаҳкамлашда, хуллас баркамол авлодни вояга этказишда муҳим тарбия қуроли ҳамдир.

Бугунги авлодни маънан баркамол қилиб табилаш, вояга этказиш усулларида бири халқ ўйинлари орқали амалга тадбиқ қилинишидир. Бу ўринда маънавий сарчашмаси, миллий-умуминсоний қадрият ҳисобланган халқ ўйинлари масофа ва ёш танламайди.

Ҳар бир халқнинг маданий – маънавий бойликлари хазинасига халқ ўйинлари ҳам қиради. Халқ ўйинлари вужудга келиши ва ривожланишига кўра ғайриоддий ҳодиса эмас, балки халқнинг ҳаётини образли, муайян тарзда акс эттирадиган ва жамият тараққиётининг қонунлари билан белгиланадиган мақсадга йўналтирилган фаолиятдир[2.].

Халқларнинг узоқ даврлардан буён сақланиб келаётган ўйинлари улар ҳаётининг бир бўлагига айланган. Ўйинларда халқнинг хоши-истаклари, ўтмиши, турмуш тарзи намоён бўлади. Халқ ўйинлари бошқа урф-одат ва анъаналар сингари узоқ тарихга эга. Бу ўйинлар, мусобақаларнинг айримлари турли таъсирлар натижасида модернизациялашган, айримлари локал хусусиятларини сақлаб қолган. Бу эса халқнинг ижтимоий-психологик ҳолатидан келиб чиқиб, қувноқлик, хушчақчақлик, тўй ва байрамларга иштиёқнинг кучлилиги, тадбир ўтказишга мойиллик каби компонентларнинг этакчилигидан далолат беради. Маънавий мероснинг қадимий қатламга хос миллий қадриятлар тизимида халқ ўйинлари марказий ўрин тутди. Эр юзида бирор бир ўйини шаклланмаган халқни учратмайсиз. Инсон гўдаклигиданок ташқи оламни англай бошлайди. Бу жараёнда ўйинчоқлар воситасида атроф ҳақида тасаввурга эга бўлади. Гўдаклик, болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик босқичларда турли ўйинлар ўзига хос тарзда ихтиёрий фаолият турлари ҳисобланиб, улар объектив равишда тарбиявий, ахлоқий, ижтимоий-эстетик функцияни бажаради[3.]. Жумладан, “Хола-хола” ўйини болаларни ёшлик чоғиданок, меҳмон кутиш ва кузатиш, дастурхон тузаш одоби каби ижобий хислатлар шакллантирилади. Бу эса ўз навбатида қизларни оилага тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди.

Юзаки қараганда халқ ўйинлари бўш вақтни шунчаки кўнгилли ўтказишдек кўринади. Лекин унинг замирида жисмоний ва маънавий баркамолликни тарбиялашнинг самарали усуллари жамланган. Шундай тарбия усулига асосланган болалар ўйинлари талайгина. Масалан, “Лаппак”, “Тош кўтариш”, арқон, копток, тош каби предметлар билан ўйналадиган қатор ўйинлар мазмуни болаларни жимсоний ва маънавий тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ўйинлардаги миллий қадриятлар, инсоний туйғулар, табиат ва инсонга муҳаббат, аждодлар анъанасига садоқат уларнинг маънавий қудратга эга эканлигини кўрсатади. Ўйинлар ўз ўзидан пайдо бўлавермайди. Улар халқ ижодининг маҳсули бўлиб, инсонларнинг оламда ўз мавқе ва ўрнини билиши, гўзал ҳаёт барпо эта олиши халқ ўйинларининг этнографик элементлари кўринишида намоён бўлади. Халқ ўйинлари миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлашнинг энг анъанавий таркибий қисмидир. Бугунга қадар сақланиб қолган байрам, тўй, сайл, томошалардаги ўйинлар маънавий ва миллий ўзликка хос жиҳатларнинг тарихий генетик асослари ҳисобланади.

Шунингдек, болалар ўйинларидаги уйғунлиги, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш тарбиянинг муҳим омили эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Ўйинлар жараёнида болалардан ақл-заковат, моҳирлик, тадбиркорлик, эпчиллик ва чаққонлик, жасурлик ва шижоат, ҳушёрлик ва фавқулудда қабий қарорга кела олиш каби сифатлар талаб қилинади. Болаларда у ёки бу ўйинда иштирок этишда ихтиёрийлик принципига амал қилинади. Тарбия беришнинг синф, аудитория каби анъанавий методларидан ўйин майдонига олиб чиқилади. Ўйин орқали ўқувчиларда маънавий ва жисмоний сифатлар шаклланади. Шунингдек, босқичма-босқич комил инсон тарбияланади.

Ташқи оламга тақлид ва уларни ҳаётга тадбиқ қилишга интилаётган болани кўрсангиз, билинги, у завқланыпти, мураккаб оламнинг энг содда вакили нимагадир талпинапти. Аслида болаларни тетапоя қилишларидаги моҳият биоасосга Ташқи оламга тақлид ва уларни ҳаётга

тадбиқ қилишга интилаётган болани кўрсангиз, билинги, у завқланыпти, мураккаб оламнинг энг содда вакили нимагадир талпинаяпти[4.]. Аслида болаларни тетапоя қилишларидаги моҳият биоасосга таянади, яъни улғайиш, вояга этиш, ўсиб-униш жараёнида бир миллатнинг ёш авлоди бу йўлни ўзига хос, бошқалардан фарқли равишда босиб ўтади. Миллий халқ ўйинлари одамларга ҳам жисмонан бардамлик, ҳам интеллектуал озуқа беради. Жумладан, асосан қизлар ўйнайдиган, ҳунармандчилик хўжалиги ривожланган ҳудудларда энг кўп тарқалган “Ранг топ”, “Лаппак”, “Тўп тош”, “Топишмоқ” (буюмлар билан боғлиқ топишмоқлар) каби ўйинлар болалар ва қизларда интеллектуал салоҳиятни оширишга хизмат қилади. Асосан болаларнинг баркамол бўлиб вояга этишлари учун хизмат қиладиган ўйинлар ёш авлодда, аввало, миллатга бўлган ҳурматни, ота-боболардан қолган бой меросга нисбатан садоқатни оширади.

Болаларда қадриятларга муҳаббат уйғотиш, халқ анъаналарини авайлаб-асрашга ўргатиш кўп жиҳатдан ўзбек халқ миллий ўйинларидан унумли фойдаланиб билишга боғлиқ. Чунки ҳаракатли ва миллий ўйинлар орқали бола бир томондан жисмоний билимларни эгалласа, иккинчи томондан, жисмоний маданияга қизиқтириш муҳим аҳамият касб этади.

Биз қуйида болалар учун тавсия этиладиган ўйинларни гуруҳларга ажратиб, ўғил ва қиз болалар алоҳида ҳамда биргаликда ўйнаши мумкин бўлган айрим ўйинларнинг тартиби ва амалга ошириш усулларини тавсия этмоқчимиз.

Болалар ўйин фаолиятининг барча ёш гуруҳлари, айниқса кичик гуруҳларда ижодий йўналганлиги тарбиячи раҳбарлигининг ўйланган эмотсионал образли методикаси билан белгиланади. Унинг вазифаси болаларда аста-секин ташқи ҳаётни, рақобат ва муайян ўйин вазиятида ижодий ҳамкорлик ҳиссини акс эттирувчи ўйин образларига нисбатан ижобий эмотсионал муносабатни шакллантиришдан иборатдир. Ҳаракатли ўйинни муваффақиятли ўтказишда болаларни ўйин мазмуни, персонажларнинг ўйин ҳара катлари ва қондалари билан таништириш катта аҳамият касб этади.

“Лаппак” деб номланувчи – ушбу ўйинда тўртбурчак тенг катакларга бўлинган ҳолда лаппак (тош ёки сопол парчаси)ни шундай қўл билан ташлаш керакки, парча катаклардан чиқиб кетмаслиги керак. Бу ўйин орқали болаларда мўлжални тўғри олиш қобилияти шаклланишига ёрдам беради.

Ўзбек халқ ўйинлари таркибида санок сонлари бўлган термалари билан мусобақа тарзида ўйналадиган “Санок айтишуви” ҳам мавжуд. Санокларнинг асосий вазифаси ўйин бошлашдан олдин бошловчини аниқлаш, бирор болага гал беришдан иборат. Бошловчи қоида билан таништириб сўзни гуруҳлардан бирига беради. Терма умуман оғзаки халқ ижодига мансуб шуҳ, ҳазиломуз ёки лирик, тўрт мисрали туюқлардан иборат кўшиқ ёки шеър ҳамда мақоллар ҳам бўлиши мумкин. Санок термалари одатда шеър ёки кўшиқдан иборат бўлиб оҳанг ва ритм қоидаларига бўйсиниб тегишли урғу бериб айтилади. Санок, термаларининг мазмуни бажарилиш характериға кўра шартли равишда иккига ажратиш мумкин: Оддий санок термалари ва тингловчи санок термалари. Оддий санок термаларидан:

Масалан; Бир, икки, ўн олти, ўн олти деб ким айтди. Оқина кучукча айтди Оқина кучукча қани? Оқина кучукча ўлди. Боласи менга қолди. Боласини берингчи? Қани, олиб кўрингчи Салим қочди, Халим тутди. Энди Ҳалим жавоб бериши керак Масалан: Бирим-билак, Икким-елак..., деб саноклар иштирок этган ўеър ёки кўшиқдан фойдаланиб рақиб гуруҳ аъзосидан бирига сўз беради. Муроджонга у эсаҚарс-курс помидор. Онам берган помидор. Бир, икки, уч, тўрт Беш, олти, этти, кетти.

Зеро улар санок бўлсада аслида болалар қалбига қутқу солган хис ҳаёжонга тўла бўлган ўйиндир. Баъзан у кўшиқ бўлиб кўйланади, лекин у санок кўшиқда иштирок этиши керак. Бу ўйинда жавоб қайтара олмаган гуруҳ мағлуб бўлади. Ўйин болаларда китобсеварлик, шеърятга қизиқиш, жўшқинлик, шиддаткорлик таъсирчанлик, илхомбахш ҳаракатларни тарбиялайди.

Бошқотирма ўйинларда иштирокчиларнинг ақлий салоҳияти намоиш этилади. Ақлли бўлган ўйинчи ўзининг топқирлиги, мулоҳазакорлиги туфайли ўйинда ғолиб чиқишга ҳаракат қилади.

Бундай ўйинлар иштирокчидан зукколик, топқирлик, тез ва тўғри фикрлай олиш қобилиятини ўстиришни талаб қилади. Ана шу жиҳатларига кўра бундай ўйинлар ақлни пешлашга, ёш авлоднинг ақлий камолотга эришувида ўзига хос мактаб вазифасини бажариб келган. Бошқотирма ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам аввало, ана шу жиҳатига боғланади.

Дидактик ўйинларнинг алоҳида бир турини сўз ўйинлари ташкил этади. Сўз ўйинларининг ҳам ички турлари жуда кўп бўлиб, улар асосан, болаларнинг нутқини ўстиришга, она тили луғат бойлигини тўла ўзлаштириб олишга, тўғри ва бенуксон сўзлашишга ўргатади.

Бизнинг назаримизда, ўзбек болалар ўйин фольклорига анъанавий тарзда яшаб келаётган “Чеклашмачок”, “Чандиш”, “Тез айтиш”, “Табар тили” каби жанрлар сўз ўйинлари сирасига киради.

Мактабгача ва мактабнинг бошланғич ёшдаги болаларнинг асосий ҳаракат турларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўргатишнинг ушбу босқичида ҳаракат малакалари ва кўникмалари кўламнинг кенгайиши, жисмоний фазилатлар (тезлик, чидамлилик, тезкорлик ва бошқалар)нинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ҳам машқларни яхлит, ҳам ҳаракат техникаси элементларини алоҳида-алоҳида муваффақиятлироқ ўзлаштириш имконияти юзага келади. Беш-олти ёшли болаларда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни онгли тушуниб этиш, вазиятни баҳолаш, ўз ҳаракатларини бошқара билишга муайян тайёргарлик бўлади, шунинг учун оғзаки кўрсатма бериш ва тушунтириш ёрдамида мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаолиятида мустаҳкам билим ва кўникма шакллантириш мумкин бўлади.

Дарҳақиқат болалар ўйинларининг жисмоний жиҳатдан берган озуқасидан ташқари унинг маънавий озуқлиги ҳам мавжуд бўлиб, булар ўзбек болаларининг энг ёш пайтларидан эътиборан болаларда мустақиллик, ўзига бўлган ишонччи, мустақил фикрлашни ва ўз кучига, укувига ишончнинг ортиб боришига кўмаклашган. Ана шулар ичида, таъсирида ўсган болаларда куч-қувват, бардамлик, саломатлик анча юқори бўлганлиги барчага аён[5].

Болалар ўйинлари қайси шакл, мавзу, йўналишга эга бўлмасин, лой-тупроқ биланми, ёғочу калтакми, ипу арқон биланми, қайсиниси бўлса ҳам болани турмуш иқир-чиқирлари, уй-рўзғор ва хўжалик ишлари, умуман катта ҳаётга тайёрлашда ўзига хос хунар мактаби ролини ўйнаган. Чунки, болалар ҳам ўз ота-оналари қаторида туриб, ижтимоий-маиший ҳаётда, хусусан, ишлаб чиқаришнинг талай жабҳаларида ўз имкониятлари ва иқтидорлари доирасида қадим замонлардан бериб қатнашиб келадилар. Катталар иморат курса, улар ғишт, лой этказиб турганлар, катталар хирмон янчса, улр хўп ҳайдалганлар[6].

Хуллас, катталар уюштирган турли-туман маросимда қатнашганлар, улар қўшиқ куйласа, жўр бўлганлар, биргаликда рақс тушганлар. Бундай аралашув болаларнинг ҳаёт воқеаларига ўз муносабатларини ифодалаш йўсинини ҳам ола бошлаган. Бу жараён болалар учун гоҳ ўйин тарзида кечса, гоҳ мажбурий меҳнат шаклида кечган: ўйин тарзида кечганида болалар эҳтиросларга тўлиб-тошиб, ўз завқларини жўшқин ва самимий оҳангларда куйлаганлар; мажбурий меҳнат тарзида кечганида эса, оғир меҳнат туфайли ҳорғин ва аламли туйғуларини ғамгин шаклда ифода этганлар. Ўйин ва уни ўйнаётган иштирокчилардан ақл-заковат, моҳирлик, тадбиркорлик, эпчиллик ва чаққонлик, жасурлик ва шижоатлилик, хушёрлик ва фавқулодда қатъий қарорга кела олиш каби сифатларни болалардан талаб қилади.

Бу сифатлар эса болаларда ўзига ишонч, тарбиянинг ахлоқий, эстетик, руҳий компонентларни ўйинлар орқали тарбиялаш имконияти кенглигидан далолат беради. Ўйин орқали болаларда маънавий сифатлар шаклланибгина қолмай, босқичма-босқич комиллик сари юксалади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Usarov, U. A., & Alimova, N. O. (2021). Agricultural And Watering System Of Samarkand In The Second Half Of The Xix Century And The Early Xx Century. *Current Research Journal Of History (2767-472x)*, 2(07), 9-14.

2. Alimova, N., & Suyarkulova, G. (2022). Reviews On The History Of Light Industrial Enterprises In Uzbekistan. *Gospodarka I Innowacje.*, 22, 639-642.
3. Bahridin, U. (2019). Ferghana In The Period Of Amir Timur's Struggle For Power (1360-1370). *International Journal Of Innovative Technology And Exploring Engineering*, 9(1), 3180-3187.
4. Usmonov, B. A. (2020). On The Dates Of The Military Clashes Between Sultan Ahmad Mirza And Umarshaikh Mirza. *Asian Journal Of Multidimensional Research (Ajmr)*, 9(5), 397-404.
5. Usmonov, B. A. (2020). Some Comments On The Cultural Life Of Fergana During The Reign Of Amirtemur And The Temurids. *Asian Journal Of Multidimensional Research (Ajmr)*, 9(11), 22-28.
6. Usmonov, B. A. (2021). A Study Of Political Processes In The Fergana Valley In 1371-1376. *Design Engineering*, 6174-6187.
7. Akhmedovich, U. B. About The Date Of The First And Second Mongolian Walks Of Amir Timur.
8. Akhmedovich, U. B. About The Date Of The First And Second Mongolian Walks Of Amir Timur.
9. Usmonov, B. (2019). Horticulture in Fergana in the Temurid's Period. *Scientific Journal Of The Fergana State University*, 2(4), 73-75.
10. Usmonov, B. (2019). Sultan Abusaid Mirza and Yunus Khan. *Science and Education*, 2(10), 5.
11. Usmonov, B. (2018). The Adylshah Jalayir Revolt: Causes, Course And Consequences. *Scientific Journal of the Fergana State University*, 1(1), 47-50.
12. Усманов, Б. А. (2018). Ферганский Улус В Государстве Амир Темура. *Вестник Муцау*, 28(2), 63-82.
13. Usmonov, B. (2018). The Chukalak Battle. *Scientific Journal Of The Fergana State University*, 1(3), 49-52.
14. Усмонов, Б. Хв Асрнинг 70-Йилларида Фарғона Ферғана В 70-Е Годы Хв Века Ferghana In 70 Years Of Xv Century.
15. Ahmadjonovna, E. T., & Bakhromovich, S. I. (2020). Pedagogical Analysis Of Culturo-Educational Institutions' Actions In Youth Education (On The Example Of Museum Activities). *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 2(08), 576-582.
16. Egamberdiyeva, T. U. A., & Qurbonov, J. A. (2020). Diagnostics Of Formation And Development Of Intellectual Culture Among Students. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 2(4), 512-519.
17. Egamberdieva, T. (2021). Mechanisms Of Gender Equality And Differences In The Educational Process.
18. Yuldoshev, S. V. (2021). Pedagogical Analysis And Methodology Of Children's Games. *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 3(11), 36-40.
19. Valievich, Y. S. (2020). Children's Games As An Important Factor In The Upbringing Of A Harmonious Generation. *European Journal Of Research And Reflection In Educational Sciences Vol*, 8(9).
20. Valiyevich, Y. S., & Azamatjon, O. (2022). Theoretical And Practical Prospects For The Development Of Ethnotourism In Uzbekistan. *European Journal Of Innovation In Nonformal Education*, 2(4), 21-24.
21. Yo'ldashev, S., & Dilshodjon, M. (2022). Ta'lim Tizimida Innovatsion Texnologiyalarining Ahamiyati. *Integration Of Science, Education And Practice. Scientific-Methodical Journal*, 3(6), 427-431.

22. Bekmirzaev, R. B. (2021). Factors Affecting Nation-Building Relationships In Fergana Valley. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(11), 122-125.
23. Bekmirzaev, R. B. (2021). Traces Of Archaic Religions In The Modern Way Of Life Of The Peoples Of The Ferghana Valley. *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 3(11), 41-46.
24. Bekmirzaev, R. B. (2021). Traces Of Archaic Religions In The Modern Way Of Life Of The Peoples Of The Ferghana Valley. *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 3(11), 41-46.
25. Bekmirzaev, R. B. (2022). Socio-Economic Causes Of Ethnic Conflicts In The Ferghana Valley. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(06), 135-138.
26. Bekmirzaev, R. B. (2022). Historical And Political Problems Of The Ferghana Valley. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 11(6), 104-106.
27. Sharafiddinov, A. (2022). History Of The Kokand Khanate In Foreign Studies. *Gospodarka I Innowacje.*, 27, 33-36.
28. Sharafiddinov, A. Два Перевода «Маттео Фальконе». *Молодой Учёный*, 1643.
29. Urmonov U. Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century): <https://doi.org/10.47100/Conferences.V1i1.1261>. In *research Support Center Conferences 2021 Aug 18 (No. 18.05)*.
30. Urmonov, U. (2021, June). Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century). In *Конференции*.
31. Urmonov, U. (2021, August). Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century): <https://doi.org/10.47100/Conferences.V1i1.1261>. In *Research Support Center Conferences (No. 18.05)*.
32. Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларинг тарбиявий аҳамияти.-Тошент: 1992.-167 б.
33. Маҳсумов С. Миллий ўйинлар-тарбия воситаси// Маърифат. 2007.-№20.10 март
34. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. -Тошкент: Фан, 1998.-89 б.
35. Йўлдошев С.В. Болалар ўйинларининг педагогик асослари ва методикаси: Ўқув услубий қўлланма/ – Фарғона: 2020. – 148 б.